

# **ДАРЁ ЎЗАНИДАГИ ГИДРАВЛИК ЖАРАЁНЛАРНИ КУЗАТИШ ВА МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ.**

**D.Saidkhodjaeva**

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти катта  
ўқитучиси*

**A.Yoldashev,**

**X. Zokirova**

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабалари*

## **OBSERVATION AND MATHEMATICAL MODELING OF HYDRAULIC PROCESSES IN THE RIVER BED**

**D. Saidkhodjaeva**

*Senior lecturer of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies*

**A.Yo'ldashev**

**X.Zokirova**

*Students of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies*

**Аннотация:** Мақолада ўзандаги жараёнларни ўганишда фойдаланиладиган математик моделлаштириш усуллари келтирилган. Сувнинг тезкор бошқаруви ва ҳисоб - китобини йўлга қўйиш; сув ва сувдан фойдаланишнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш замон талаби бўлмоқда. Табиий деформациялар асосан дарёнинг гидрологик режими, оқизиқ режими ўзгариши натижасида рўй бериб, ўзанинг кўндаланг кесими ва узунлиги бўйлаб маълум бир динамика билан ривожланади хамда ушбу кўринишдаги деформациялар кўламини кенгайтириб юборади

**Abstract:** The article presents the methods of mathematical modeling used in the study of internal processes. Establishment of rapid water management and account book; improvement of the legal basis of water and water use is the need of the hour. Natural deformations mainly occur as a result of changes in the hydrological regime and flow regime of the river, develop with

certain dynamics along the cross-section and length of the riverbed, and expand the scope of deformations in this form.

**Калит сўзлар:** дарё ўзани, моделлаштириши, ўхшаҳлилик, Фруд сони, Рейнолдс сони.

**Key words:** riverbed, modeling, similarity, Froude number, Reynolds number.

**Кириш.** Ўзан деформациялари халқ хўжалигига катта зарап етказади (ўзан тубининг лойқа босиб, баландлик белгиси кўтарилиши қайирга сув сатҳи кўтарилиши ва самарадор ерларни хамда аҳоли пунктларини сув босишига олиб келиши мумкин).

### **Асосий қисм.**

Дарё ўзанларидаги жараёнларни физик моделлаштиришда қўйидаги қонунлар ўхшашлигини таъминлаш талаб этилади:

1. Геометрик ўхшашлиқ;
2. Модел учун бошланғич ва чегаравий шартлар ўхшашлиги;
3. Оқимни пайдо бўлишида иштирок этувчи кучларга мос келувчи динамик ва кинематик ўхшашилик қонунлари.

Дарё ўзанларида бекарор нотекис ҳаракатдаги оқимини физик моделлаштиришни амалга оширишда оғирлик кучи ҳаракатни амалга оширишдаги асосий куч сифатида қабул қилинади.

Тўғонсиз сув олиш бош иншооти қуи соҳасида оқим динамикасини ўрганишга қаратилган экспериментал тадқиқотларда Фруд сони ўхшашлиги таъминланиб, Рейнолдс сони учун шартлар бажарилиши етарли эканлиги таъкидланган.

Ишқаланиш кучини моделлаштиришда оқим чегарасидаги қаршиликлар бир хиллигини таъминлайдиган Рейнолдс сони реал обьект ва моделда бир хил қийматга эга бўлиши керак. Оқим ҳаракатига қаршилик кучининг ҳар қандай ўзгариши текис ҳаракатни ўзгартириб юборади ва Рейнолдс сонининг чегаравий қийматини текис ҳаракатдаги

Рейнолдс сонига нисбатан ўзгариради. Оқимнинг бекарор ва барқарор ҳаракатини ўрганишда масштаб қабул қилинади.

Республикамиз худудида дарё ўзанлари ва қайирларида барпо этилган барча гидротехника ва гидроенергетика иншоотлари лойиҳалаштиришдан олдин ёки лойиҳалаштириш даврида тўлиқ физик моделлаштирилиб, унда кечадиган жараёнлар ўрганилган.

Таъкидлаш лозимки, ўзандаги жараёнларнинг натижаси юқори самарали ва аниқ бўлиши учун, ташкил қилишга кўплаб материаллар ва сарф ҳаражатлар кетади. Бундан ташқари қабул қилинадиган масштабга қўлланиладиган материалларни мослаштириш масаласи ҳам мураккаб ҳисобланади. Масалан, оқизиқларнинг ўлчамларини 40-100 маротаба кичиклаштириш, ўзанни шакллантирувчи сарфни аниқлаш масаласида маълум чекланишлар қабул қилинади [2, 3].

Хозирги даврда гидротехника амалиёти учун муаммоли бўлган дарё ва каналлар ўзанларидаги деформацион жараёнларни ҳисоблашда ва уларни башорат қилишда математик (компьютер) моделлаштириш усулидан кенг фойдаланилади

«Компьютер моделлаштириш» бу моделлар ёрдамида маълум бир гидравлик жараёни бирор бир реал объект учун математик аппарат ёрдамида ҳисоблаш, модел барча маълумотлар (морфометрия, гидравлика, гидрология, гидрометрия) натижаларни буюртмачи лойиҳачи ёки эксплуатация хизмати учун қулай кўринишга келтириш ва беришdir.

Компьютер моделларда қўлланиладиган тенгламалар системаси мос равища бир, икки, уч ўлчамда оқимнинг ҳаракатини ифодалайди. Компьютер моделлаштиришда ҳисоблаш чегаравий шартларни вақт давомида натура ўзгаришини инобатга олган ҳолда ҳисоблашни амалга оширишга эътибор қаратилади. Бир ўлчамли компьютер моделлар учун ҳисоблашлар қийин масала бўлмай, икки ва уч ўлчамли компьютер моделлар учун масалани ечиш жараёни мураккабликларга эга. Бу

мураккабликни Гидротехник иншоотларнинг компьютер моделларини яратишида сув оқимининг сарфи, сатҳи ва бошқа гидродинамик характеристикаларни кескин ўзгариши билан изоҳлаш мумкин.

Ўзандаги жараёнларни соний тадқиқот қилишда бажарилган ишларнинг таҳлилини, ушбу жараёнда қўлланиладиган гидродинамиканинг бир, икки, уч ўлчамли тенгламаларини, қўйидаги умумий кўринишда келтириш мумкин:

$$\frac{\partial Q}{\partial t} + \frac{\partial}{\partial x} \left( Q U + \frac{1}{2} \int_{Y_L}^{Y_R} h^2 dy \right) = g i \omega - \lambda \frac{Q^2}{\omega R} + F \quad (1)$$

$$\left. \frac{\partial \omega}{\partial t} \right|_{z_b=const} + \frac{\partial Q}{\partial x} = 0 \quad (2)$$

$$\frac{\partial \omega S}{\partial t} + \frac{\partial Q S}{\partial x} = -K(S - S_H) \quad (3)$$

$$\left. \left( 1 - p \frac{\partial \omega}{\partial t} \right) \right|_{z=const} = -K(S - S_H) \quad (4)$$

Муаллифларидан бири Д.Р.Базаров ва бошқалар томонидан яратилган *бир ўлчамли математик модел* қўлланмадан сув оқимининг лойқалик даражаси юқори бўлган тўйинган сув оқими ҳаракатланаётган Амударё хамда Сирдарё дарёларининг ўзан соҳаларида деформацион жараёнларни башорат қилишда фойдаланилиниб келинмоқда [2, 3].

*Бир ўлчамли тенгламалар системасида*, оқим тезлиги ҳаракатдаги кесим бўйлаб ўрталаштирилган кўринишда қабул қилинган бўлиб, унда тезлик тақсимланишини нотекислилиги Кориолис ва Буссинеск коеффициентлари ёрдамида инобатга олинади. Оқим чуқурлиги ва ўзан туби уринма кучланишлар ўзан кенглиги бўйлаб ўрталаштирилади.

Сув оқими ҳаракатини ифодаловчи *икки ўлчамли компьютер моделини* қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\frac{\partial Q_i}{\partial t} + \frac{\partial Q_j U_j}{\partial x_j} + gh \frac{\partial z}{\partial x_i} = -\lambda Q_i \frac{|U|}{2h} - gh \frac{\partial z_b}{\partial x_i} \quad (u, \lambda = 1.2) \quad (5)$$

$$\frac{\partial z}{\partial t} + \frac{\partial Q_i}{\partial x_i} = 0 \quad (6)$$

$$(1-p) \frac{\partial z_b}{\partial x_i} + \frac{\partial q_i^{(s)}}{\partial x_i} = 0 \quad (7)$$

$$q_i^{(s)} = U_i + hs + D \frac{\partial z_b}{\partial x_i} \quad (8)$$

$$D = a_q hs |U| \left( 1 - \frac{0,67 \alpha_w a_s |U|}{w(\alpha_b + \alpha_w |U|)/w} \right) \quad (9)$$

*Икки ўлчамли компьютер моделнинг асосини Сен-Венан тенгламалари системаси ташкил қилиб, унда проф. Д.Р.Базаров ва проф. А.Н.Милитеевлар томонидан таклиф этилган ҳисобий схема ёрдамида деформацион жараёнларни ифодаловчи формулалар назарий асосланган. Ўзан қирғоқлари ва тубининг деформацияланишини (ювилиш ва лойқа босиш) бир вақтнинг ўзида ҳисоблаш имконини бериб, оқимнинг гидродинамик параметрларини ўзгаришини тўлароқ инобатга олиш имкониятини беради.*

*Уч ўлчамли компьютер моделлар ёрдамида дарёларда рўй бераётган барча деформацион жараённи намоён этиш хамда аниқ ечимини олиш мумкиндир. Ҳисоблашда аниқ натижа олиш билан биргаликда ўзанинг морфометриясини ўзгаришини ҳам ҳисобга олиш имкониятига эгадир.*

Бу дифференсиал тенгламалар системасида асос сифатида масса ва энергиянинг сақланиш қонуниятлари олинган.

Умуман моделлаштиришнинг дастлабки босқичида асосий масала сифатида ўзандаги жараёнларнинг базавий физик – гидравлик қонуниятларини аниқлаш ва ечиш учун қулай бўлган гидродинамик тенгламалар системасини тадқиқот қилинаётган жараён учун ишлаб чиқишдан иборат бўлади. Бунда асосан ишлаб чиқилган тенгламалар системаси жараённи тўлароқ акс этишига эришиш муҳим масала.

Физик моделлаштириш қабул қилинган математика аппаратининг таҳлили натижасида натура ва модел ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлашга киришилади.

Математик ёки компьютер моделлаштириш дегани келтирилган гидродинамика тенгламалар системасини турли усулларда ечиб, натура учун керакли параметрлар динамикаси ҳақида маълумотлар олиш.

Маълумки, дарё ўзани ва қайири шакли ҳаракатлаётган оқимнинг характерини белгилайди. Оқим сарфи гидрографи йил ёки кўп йил давомида кескин ўзгарувчанлиги билан характерланади, яъни оқим доимо ўзгариб туради. Ўз навбатида оқим ўзан релефини ўзгартириб туради. Ўзаннинг морфометрик шаклини ўзгариш даражаси оқимга нисбатан секин ўзгариб боради. Шу сабабли, ўзнинг шакли сув сатҳи кўтарилиганда маълум оқим сарфи билан шакллана бошлаб, бошқа бир сарф қийматида қайта шаклланади. Дарё ўзани доимо ўзгариб турувчи сарф таъсирида шаклланади. Демак, моделлаштиришда чегаравий шартлар доимий ўзгарувчан шартлар деб қабул қилиш зарур.

### **Хулоса.**

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

- ўзандаги жараёнларни физик моделлаштириш самарали натижа бераб, ундан фойдаланиш катта микдордаги сарф ҳаражатларни ва вақтни талаб қиласди;

- ўзандаги жараёнларни гидродинамиканинг тенгламалари системасига асосланган соний моделлар ёрдамида тадқиқот қилиш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, кам вақт давомида бир неча вариантларда бажариладиган ҳисоблар, оқим ва ўзан ўзаро таъсирида рўй берадиган жараённинг моҳиятини аниқлаштириш имкониятини беради;

- бир ўлчамли моделлар дарёдаги жараёнларни ниҳоятда узун участкаларини тадқиқот қилиш имкониятини яратади;

- икки ўлчамли моделлардан чуқурлиқда бир қанча катта масштабда фойдаланиш мүмкин. Лекин моделлаштириш масштаби мезошакл ўлчамларидан кичик бўлиши керак. Бундан ташқари ўзанни меандраланиши чегараланган бўлиши керак;

- уч ўлчамли моделлар албатта ўзан эгриланишига чегара қўймайди, лекин улардан фойдаланишда жуда кўплаб техник муаммолар юзага келади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Алтунин С.Т. Моделирование размываемых русел и речных сооружений. Русловые процессы. М. Из-во АН СССР, 1958 г, с.308.

2. Базаров Д.Р. Исследование гидравлического режима реки при бесплотинном водозаборе. Дисс. на соискание уч. степ. к.т.н., М. 1992 г. с.120

**3.**Базаров Д.Р. Лабораторное моделирование русел в условиях развитого грядового режима. Водное хозяйство. Вып.3, 1997 г.

4. Сайдходжаева, Д. А., Ишонкулов, З. М., Абдухалилов, О. А. Ў., & Мирзаев, С. З. Ў. (2021). ПРОСТРАНСТВЕННОЕ ДВИЖЕНИЕ ПОТОКА В НИЖНЕМ БЬЕФЕ МНОГОПРОЛЕТНЫХ ПЛОТИН И РЕЖИМ МАНЕВРИРОВАНИЯ ЗАТВОРАМИ КАК МЕРА БОРЬБЫ СО СБОЙНЫМИ ТЕЧЕНИЯМИ. *Universum: технические науки*, (10-2 (91)), 32-39.